
Яна бир муаммоли трансформатор мукаммал таъмирланди

Бағдод туманида аҳоли хонадонлари ва ишлаб чиқариш корхоналарида электр таъминотини яхшилаш, тизимдаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Туман электр таъминоти корхонаси ходимлари томонидан режа-дастурга асосан ҳудудларда электр тармоқларини жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Жумладан, “Хўжақишлоқ” маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 34-трансформатор пункти ва ундан чиқувчи 0.4 кВ электр узатиш тармоқлари мукаммал таъмирланди. Хусусан, трансформатор пунктини бўйлаш, монтаж қилиш, носоз электр қурилмаларини янгилаш, химоявий ҳудудни ободонлаштириш, шунингдек, ҳаво узатиш тармоқларини дарахт шохларидан тозалаш ишлари бажарилди. Натижада, 134 та аҳоли хонадони ҳамда 10 дан зиёд тадбиркорлик субъектида электр таъминоти яхшиланди.

Умуман олганда, ушбу мавсумда 143 та трансформатор пунктини жорий, яна 66 та трансформатор пунктини эса мукаммал таъмирлаш режалаштирилган.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2023-06-08 18:57:43